

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШИРИНБОЕВ ДИЛМУҲАММАД НУРОЛИЕВИЧ**

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ СУВ РЕЖИМИНИНГ  
АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ**

**11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
geographical sciences**

**Ширинбоев Дилмуҳаммад Нуролиевич**

Зарафшон дарёси сув режимининг антропоген омиллар таъсирида

ўзгариши.....3

**Ширинбоев Дилмуҳаммад Нуролиевич**

Изменение гидрологического режима реки Зеравшан под влиянием

антропогенных факторов.....21

**Shirinboyev Dilmuhammad Nurolievich**

Changes of hydrological regime of Zeravshan River under the

influence of anthropogenic factors .....39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШИРИНБОЕВ ДИЛМУҲАММАД НУРОЛИЕВИЧ**

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ СУВ РЕЖИМИНИНГ  
АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ**

**11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Gr106 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.hydromet.uz](http://www.hydromet.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович**  
география фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мурадов Шухрат Одилевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ҳожамуратова Роза Тажимуратовна**  
география фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ирригация ва сув муаммолари  
илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «09» 09 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: [nigmi@albatros.uz](mailto:nigmi@albatros.uz)).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№211 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: [nigmi@albatros.uz](mailto:nigmi@albatros.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «25» 08 кун тарқатилди.  
(2021 йил «25» 08 даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**В.Е.Чуб**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

**Б.Э.Нишонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

**С.В.Мягков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда тоза чучук сув тақчиллиги глобал миқёсдаги муаммога айланган ва шу туфайли дарёлар сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу муаммо ҳақида БМТнинг махсус маърузасида «Сув – бу экотизимлар ҳаёт кучининг манбаи, инсон саломатлиги ва фаровонлигининг туб асоси ва иқтисодий гуллаб-яшнашининг бирламчи шартидир. Айнан шу сабабли сув ресурслари 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича кун тартибининг марказий бўғини ҳисобланади»<sup>1</sup>, деб таъкидланади. Бугунги кунда чучук сувга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ва айти пайтда, инсон омили таъсирида унинг миқдоран камайиб, сифатининг эса ёмонлашиб бориши шароитида сув ресурсларини бошқаришни янада такомиллаштириш ҳамда улардан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Дунё миқёсида бугунги кунда дарёлар сув ресурсларининг шаклланиш шароитларни баҳолаш, улар тўйиниш манбаларини генезиси бўйича таҳлил қилиш, дарёлар оқимини турли сув истеъмолчилари ўртасида оқилona тақсимлаш усулларини янада такомиллаштириш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда, дунёда дарёлар оқимининг сув омборлари ёрдамида кенг миқёсда бошқарилиши, дарёлардан каналларга сув олиш, баъзан улар сувини қўшни ҳавзаларга етказиб бериш каби қатор сув хўжалиги тадбирлари натижасида вужудга келган гидрологик ўзгаришларни баҳолаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сув ресурсларини самарали бошқариш ва сувдан оқилona фойдаланиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон Фармонида «сув ресурсларини прогнозлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллантириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш»<sup>2</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Уларни ҳал этишда дарёлар гидрологик режими шаклланишини белгиловчи табиий географик шароитни ва улар оқимининг антропоген омиллар таъсири натижасида миқдорий ўзгаришлари билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини янада такомиллаштириш масалалари муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон, 2020 йил 10 июлдаги

<sup>1</sup> www.unwater.org. Совместный доклад ООН и ЮНЕСКО: «ООН – Водные ресурсы», 2018.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон фармони. <https://Lex.uz>.

«Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон Фармонлари, 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон, 2018 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3672-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг «V. Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дарёлар гидрологик режимининг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши, дарёлар оқимининг инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгаришини миқдорий баҳолашнинг илмий методик асосларини ишлаб чиқиш масалалари кўплаб хорижий олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Жумладан, бу масалаларни ўрганишга узоқ чет эллик олимлардан G.F.White, J.Nemes, J.C.Rodda, J.A.Rodier, J.Martines, T.D.Steele, собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимларидан В.Д.Быков, Г.П.Воропаев, К.П.Воскресенский, В.Г.Глушков, С.Л.Вендров, Г.П.Калинин, Б.Т.Кирста, П.С.Кузин, В.В.Куприянов, А.А.Соколов, С.И.Харченко, А.И.Чеботарёв, И.А.Шикломанов кабиларнинг тадқиқотлари бағишланган. Мазкур тадқиқотларда дарёлар оқимида антропоген омиллар таъсири, бундай шароитда сув ресурсларидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарали фойдаланиш ва шу мақсадда сув ресурсларининг ҳавзалар бўйича оқилона тақсимоти, дарёлар оқими миқдорининг улар узунлиги ҳамда йил давомида ва йиллараро ўзгаришлари баҳоланган.

Ўзбекистонда ушбу муаммони ўрганишга қаратилган илк тадқиқотлар В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, А.З.Зоҳидов, В.А.Духовный, Ф.Э.Рубинова, Ю.Н.Иванов, А.Р.Расулов ва бошқалар томонидан бажарилган. Ҳозирги кунда ушбу йўналишдаги изланишлар В.Е.Чуб, Э.И.Чембарисов, М.А.Якубов, С.В.Мягков, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Н.Е.Горелкин, Ф.Я. Артикова, Б.Е.Аденбаев, Ғ.Х.Юнусов, С.А.Ҳайдаров, К.Р.Рахмонов, Д.М.Турғунов каби тадқиқотчилар томонидан давом эттирилмоқда. Ушбу тадқиқотларда асосий эътибор Орол денгизи ҳавзасидаги асосий дарёлар Амударё ва Сирдарё, шунингдек, уларнинг йирик ирмоқлари сув ресурсларини миқдорий баҳолаш, улардан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилган.

Бироқ, мазкур тадқиқотларда Зарафшон дарёси гидрологик режимининг, айниқса, унинг ўрта ва қуйи қисмида дарё оқимининг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши масалалари атрофлича ёритилмаган. Мазкур тадқиқот Зарафшон дарёси сув режимининг ўзгаришига

антропоген омиллар таъсирини баҳолаш, ушбу таъсир натижасида оқимнинг дарё узунлиги ва вақт бўйича миқдоран камайиб бориши масалаларига бағишланганлиги билан юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг № ИОТ-2013-5-08 «Самарқанд вилоятининг экологик, атроф-муҳит муҳофазаси, ичимлик сув сифати, маиший хўжалик чиқиндилари карталарини тузиш» (2013-2014 йй.) мавзуидаги инновацион ҳамда Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг № ОТ-Ф5-13 - «Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2020 йй.) мавзуидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** трансчегаравий ҳисобланган Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимлари гидрологик режимига антропоген омилларнинг таъсирини баҳолаш ҳамда дарё сув ресурсларидан келажакда самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Зарафшон дарёси гидрологик режими элементлари шаклланишининг гидрометеорологик омилларга боғлиқлигини тадқиқ этиш;

Зарафшон ҳавзасининг ўрта ва қуйи оқимлари табиий ва антропоген гидрографик тармоқлари морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

Зарафшон дарёси гидрологик режими элементларининг антропоген омиллар таъсирида дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришларини баҳолаш;

Зарафшон дарёси сув ресурсларини вилоятлараро тақсимоти динамикасини таҳлил қилиш ва шу асосда уни оқилонга ташкил этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

Зарафшон воҳаси сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан келажакда иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарали фойдаланишга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Зарафшон дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон қисми, яъни унинг ўрта ва қуйи оқимлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Зарафшон дарёси ўрта ва қуйи оқимлари гидрологик режими элементларининг антропоген омиллар таъсирида дарё узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришлари хусусиятларини тадқиқ этиш масалалари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажариш жараёнида картографик, географик ўхшашлик ва таққослаш, математик статистика усулларидан фойдаланилган. Асосий масалани ҳал этишда, яъни Зарафшон дарёси гидрологик режимига, жумладан дарё оқимининг йил давомида ойлар, мавсумлар бўйича тақсимланиши ҳамда йиллараро ўзгарувчанлигига антропоген омилларнинг таъсирини баҳолашда замонавий гидрологик

ҳисоблашлар усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Зарафшон дарёсининг Ўзбекистон ҳудудига кириб келадиган оқими кўрсаткичларининг статистик параметрлари ( $Q$ ,  $\sigma$ ,  $C_v$ ) табиий (1931-1960 йй.), биринчи базавий (1961-1990 йй.) ҳамда жорий (1991-2018 йй.) иқлимий даврлар учун аниқланган;

Зарафшон дарёси ўрта ва қуйи оқимлари гидрологик режими элементларининг, жумладан, сув сарфи ( $Q$ ), оқим ҳажми ( $W$ ) ҳамда улардан шаклланган статистик қаторларнинг ўзгарувчанлик коэффициенти ( $C_v$ ), ўртача квадратли четлашиши ( $\sigma_Q$ ) каби параметрлари турли ҳисоб даврлари учун аниқланган;

Зарафшон дарёси ўртача ойлик, мавсумий ва сув режимининг турли фазалари, яъни тўлинсув ва кам сувли даврлардаги ҳамда йиллик оқим кўрсаткичларининг антропоген омиллар таъсиридаги ўзгаришлари баҳоланган;

дарё оқимининг йил давомида ойлар, сув режими фазалари ва мавсумлар бўйича тақсимланиши ҳамда йиллараро тебранишларидаги ўзгаришлар аниқланган;

Зарафшон дарёси сув ресурсларининг мавжуд ирригация тизимлари орқали вилоятлар бўйича тақсимоти динамикаси аниқланган ва шу асосда уни бошқаришнинг мақбул вариантлари тавсия этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Зарафшон дарёси гидрологик режимининг шаклланиш қонуниятлари ва уларнинг таъсирида оқимнинг йил давомида тақсимланиши ҳамда йиллараро тебранишини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар аниқланган;

дарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида унинг узунлиги бўйича жойлашган табиий ва антропоген гидрографик тармоқларнинг оқим кўрсаткичлари аниқланган ҳамда уларнинг экин майдонларини суғоришдаги самарадорлиги баҳоланган;

Зарафшон дарёсидан сув оладиган ирригация тизимлари сув билан таъминлайдиган ҳудудларнинг картаси тузилган;

Зарафшон дарёси гидрологик режими кўрсаткичларининг антропоген омиллар таъсирида дарё узунлиги ва ҳисоб даврлари бўйича ўзгариши баҳоланган;

дарё сув ресурсларидан ҳавза миқёсида ва вилоятлар кесимида, сув хўжалиги йили давомида сув истеъмолчилари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) тармоқларида ягона усулда амалга оширилган гидрометеорологик кузатишлар ва ўлчаш ишлари маълумотларидан, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги гидрологик ва сув хўжалиги материалларидан,



шунингдек, муаллифнинг мавзу доирасида дала шароитида амалга оширган кузатишлари натижаларидан фойдаланилганлиги, мазкур маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштиришда умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика, гидрологик умумлаштириш ва бошқа усуллар қўлланилганлиги, тадқиқот натижаларининг мазкур изланишлар йўналишида бошқа муаллифлар томонидан олинган натижалар билан мослиги ва уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан келажакда Зарафшон каби гидрологик режимга антропоген омиллар таъсири кучли бўлган ва айти пайтда тобора ортиб бораётган дарёларда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда, шунингдек, улардаги мавжуд сув ресурсларидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида оқилona фойдаланишга оид илмий-назарий ёндашувлар ва янги технологияларни ишлаб чиқишда қўллаш имкониятларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда антропоген омил таъсирида Зарафшон дарёси оқими миқдорининг вақт ҳамда дарё узунлиги бўйича ўзгаришларини баҳолаш натижасида олинган асосий хулосалар ва тавсиялардан мазкур дарё сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишни ташкил этишда, шунингдек, уларни вилоятлараро ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимотини оқилona амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишда ҳамда уларнинг республика олий таълим тизимидаги маълум йўналишлар ва мутахассисликларда махсус фанларни ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зарафшон дарёси сув режимининг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Зарафшон дарёсининг Ўзбекистонга кириб келадиган ўртача ойлик, мавсумий ва йиллик оқим кўрсаткичлари, яъни сув сарфлари ва оқим ҳажмларининг антропоген омиллар таъсирида миқдорий ўзгаришларини баҳолаш бўйича олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Зарафшон дарёси оқими миқдорий камайишларининг атроф муҳит ҳолатига салбий таъсирини баҳолашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11 мартдаги 04-02/8-980 сон маълумотномаси). Натижада Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида юзага келган гидроэкологик вазиятни барқарорлаштиришнинг кўшимча имкониятлари яратилган;

Зарафшон дарёси юқори ва ўрта оқими гидрологик режимининг асосий элементлари – сув сарфи, оқим ҳажми ва бошқаларнинг охириги ўн йилликларда олинган янги гидрологик маълумотлар асосида, турли ҳисоб даврлари учун аниқланган миқдорий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат

қўмитасида Ўрта Зарафшон ҳавзасида сув таъминоти билан боғлиқ бўлган экологик вазиятни баҳолаш масалаларини ҳал этишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11 мартдаги 04-02/8-980 сон маълумотномаси). Натижада ҳудудда юзага келган салбий экологик вазиятни яхшилаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режасига аниқлик киритилган;

Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи қисмларида оқим миқдорининг дарё узунлиги ва ҳисоб даврлари бўйича ўзгаришларини аниқлаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида Ўзбекистон Миллий атласи карталарини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 19 февралдаги 02-10-759 сон маълумотномаси). Натижада йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудларда сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитларига тезкор тузатмалар киритиш имкониятлари яратилган;

дарё оқимининг антропоген омил таъсирида йил давомида ойлар, сув режими фазалари ва мавсумлар бўйича тақсимланишидаги миқдорий ўзгаришларини баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида Ўзбекистон Миллий атласи карталарини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 19 февралдаги 02-10-759 сон маълумотномаси). Натижада Зарафшон дарёси сувдан ичимлик, маиший-коммунал ва бошқа мақсадларда фойдаланишни тўғри ташкил этишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

Зарафшон дарёси сув ресурсларининг ирригация тизимлари орқали вилоятлар бўйича тақсимотининг миқдорий қийматлари ва уларнинг динамикасига оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида Ўзбекистон Миллий атласи карталарини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 19 февралдаги 02-10-759 сон маълумотномаси). Натижада сув ресурсларини самарали бошқариш ва улардан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган режаларга аниқлик киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 9 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқот мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари белгиланиб, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, шунингдек, натижаларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Зарафшон дарёси гидрологик режимининг шаклланиши ва уни белгиловчи омиллар»** деб номланади. Унда асосий эътибор, диссертация мавзуи доирасига тегишли бўлган илмий манбаларда келтирилган маълумотлар таҳлили асосида, Зарафшон дарёси ҳавзаси табиий шароитининг ўзига хос хусусиятлари, унинг географик ўрни, геологик тузилиши ва рельефи, орографик тармоқлари билан бир қаторда, иқлим шароитини белгиловчи омиллар тавсифига қаратилган. Ушбу бобнинг якунида Зарафшон ҳавзасининг тупроқ ва ўсимлик қоплами дарёлар оқимининг ҳосил бўлиши нуктаи-назаридан кўриб чиқилган.

Ер юзасидаги ҳар бир дарё ҳавзаси А.И.Воейков, М.И.Львович, Л.К.Давыдов, В.Л.Шульц, О.П.Щеглова ва бошқалар таъкидлаганларидек, ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятларга эга бўлади. Бу ўзига хослик кўплаб табиий-географик омиллар билан аниқланади. Дарё ҳавзасининг географик ўрни, геологик тузилиши ва рельефи, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қоплами шулар жумласидандир. Зарафшон ҳавзаси дарёлари гидрологик режимининг шаклланишида айнан шу омиллар муҳим ҳисобланади.

Зарафшон дарёсининг ҳавзаси Ўзбекистон ва қўшни Тожикистон республикалари худудида жойлашган. Ҳавзанинг юқори, яъни дарё оқимининг асосий қисми шаклланадиган тоғли қисми шимолдан Туркистон ва жанубдан дастлаб Зарафшон, сўнг Ҳисор тоғ тизмалари билан чегараланади. Зарафшон дарёси ҳавзасининг ўрта қисми эса Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмаларининг ғарбий тармоқлари оралиғида жойлашган.

Диссертацияда Зарафшон дарёси ва унинг ирмоқлари оқимининг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давыдов, В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, Д.П.Соколов, М.А.Насиров, Х.Сиддиқов, М.И.Геткер, Г.Е.Глазырин ва бошқалар томонидан амалга оширилган дастлабки изланишлар, улардан кейин Л.М.Карандаева, В.Г.Коновалов, Б.К.Царев, В.Е.Чуб, А.С.Щетинников, Ф.Ҳ.Ҳикматов, С.А.Хайдаров каби олимлар бажарган тадқиқотларнинг натижалари таҳлил қилинган. Мазкур таҳлиллар асосида Зарафшон ҳавзасига ёғадиган атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати дарё сув режими шаклланишини белгиловчи асосий омиллар

сифатида аниқланган.

Тадқиқотда ҳавза иқлимий хусусиятларининг унинг географик ўрни билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Жумладан, Юқори ва Ўрта Зарафшоннинг Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмалари ҳамда уларнинг тармоқлари билан, Қуйи Зарафшоннинг эса шимол, ғарб, жануб ва шарқ томонлардан Қизилқум чўли билан ўраб олинганлиги ҳавзанинг турли қисмларида турлича иқлим шароитини намоён қилиши алоҳида қайд этилган.

Диссертацияда Зарафшон ҳавзасининг ғарбидан шарқига томон, баландликнинг ортиб бориши билан, ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши ва, аксинча, атмосфера ёғинлари миқдорининг ортиши, ҳавзада жойлашган метеорологик кузатиш пунктлари маълумотлари асосида, аниқ мисолларда кўрсатиб берилган. Ушбу ва бошқа табиий географик омилларнинг ҳавзанинг баландлик зоналари ўзгариб боришига боғлиқлиги туфайли Юқори, Ўрта ва Қуйи Зарафшон ҳавзалари табиий шароитларининг бир-биридан кескин фарқ қилиши кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Зарафшон дарёси ҳавзасининг гидрографик тармоқлари ва сув ресурслари**» деб номланган **2-бобида** ҳавзанинг гидрографияси икки қисмга, яъни табиий ва антропоген гидрографик тармоқларга бўлиб ўрганилган. Ўз навбатида табиий гидрографик тармоқлар ҳам икки қисмга бўлинган: 1) юқори, яъни тоғли қисми гидрографик тармоқлари; 2) Ўрта Зарафшон қисми гидрографик тармоқлари. Шунингдек, диссертацияда Зарафшон дарёси ҳавзасининг антропоген гидрографик тармоқлари тадқиқотига алоҳида эътибор қаратилган. Бобнинг якунида Зарафшон ҳавзаси дарёларининг сув ресурслари унинг юқори, яъни тоғли ҳамда Ўрта Зарафшон қисмлари учун алоҳида-алоҳида баҳоланиб, улар асосида ҳавзанинг умумий сув ресурслари миқдори аниқланган.

Мазкур бобнинг дастлабки параграфида Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий гидрографик тармоқлари, жумладан, дарёлари, сойлари ва кўллари гидрографик нуқтаи назардан ўрганилган ҳамда уларнинг гидроморфологик кўрсаткичлари аниқланган. Ушбу масала диссертацияда Зарафшон дарёси ҳавзасини икки қисмга, Юқори, яъни тоғли ва Ўрта Зарафшон қисмларига ажратган ҳолда кўриб чиқилган.

Диссертацияда Зарафшон дарёси сувидан қадимдан Самарқанд, Бухоро, Кармана музофотлари билан бирга Қашқадарё (Эски Анҳор канали орқали) ва Жиззах (Эски Туятортар канали орқали) вилоятларининг суғориладиган экин майдонлари баҳраманд бўлиб келинганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги кунда Зарафшон дарёси сувининг вилоятлараро тақсимооти Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси назоратида амалга оширилади. Диссертацияда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги 9 та бўлинмалар томонидан Зарафшон дарёси сувини Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларига тақсимлаш масалаларига ва унинг динамикаси таҳлилига алоҳида ўрин ажратилган.

Мазкур бобда, инсониятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида сув ресурсларининг табиатдаги барча чучук ва ўртача минераллашган, сунъий

равишда чучуклаштирилган ҳамда тозаланган сувлардан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни таснифлаш масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Тадқиқотда Зарафшон ҳавзасининг юза, аниқроғи дарёлар сув ресурслари баҳоланган. Шу мақсадда дастлаб Зарафшон ҳавзасининг тоғли қисмида шаклланадиган дарёлар сув ресурслари баҳоланган (1-жадвал).

1-жадвал

Зарафшон ҳавзасининг тоғли қисмида ҳосил бўладиган ўртача кўп йиллик оқим миқдорлари

Дарё – кузатиш жойи	Кузатиш йиллари	F, км <sup>2</sup>	H <sub>ўрт.</sub> , м	Q̄, м <sup>3</sup> /с	W, 10 <sup>9</sup> м <sup>3</sup>	M, л/с·км <sup>2</sup>	h, мм
Зарафшон–Дупули қ.	1931-2018	10200	3100	155	4,889	15,2	479
Мағиёндарё–Сужина қ.	1931-2018	1110	2660	7,95	0,251	7,2	226
Йиғинди оқим кўрсаткичлари				162,95	5,14	14,4	454

Изоҳ: F - сув тўплаш майдони; H<sub>ўрт.</sub> - ҳавзанинг ўртача баландлиги; Q̄ - ўртача кўп йиллик сув сарфлари; W - оқим ҳажми; M - оқим модули; h - оқим қатлами.

Ҳисоблашлар натижаларига кўра, Зарафшон ҳавзасининг тоғли қисмида ҳосил бўладиган ва Ўзбекистонга кириб келадиган ўртача кўп йиллик сув сарфларининг йиғинди миқдори, яхлитлаб олганда 163 м<sup>3</sup>/с га, ўртача кўп йиллик оқим ҳажми эса 5,140·10<sup>9</sup> м<sup>3</sup> га тенгдир. Оқим миқдорлари ушбу кўрсаткичларининг 95,1 фоизи Зарафшон (Дупули) дарёси ҳиссасига тўғри келса, қолган 4,9 фоизи Мағиёндарёга тегишлидир.


Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида Зарафшоннинг Ўзбекистон қисми – Ўрта Зарафшонда шаклланадиган дарёлар сув ресурслари баҳоланган. Бунда, В.Е.Чуб тадқиқотларидаги ёндашувларга мос равишда, ушбу ҳудуд дарёларининг сув ресурслари уларни гидрометрик ўрганилган (244,1·10<sup>6</sup> м<sup>3</sup>) ва гидрометрик жихатдан ўрганилмаган (9,89·10<sup>6</sup> м<sup>3</sup>) дарёларга ажратган ҳолда баҳоланди. Натижада Зарафшон дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон қисмида шаклланадиган ўртача кўп йиллик оқим ҳажмининг 254·10<sup>6</sup> м<sup>3</sup> га тенглиги аниқланган. Кўриниб турибдики, Зарафшон ҳавзаси дарёлари оқимининг ўртача кўп йиллик умумий ҳажми 5,394·10<sup>9</sup> м<sup>3</sup> га тенг. Энг асосий масала, яъни мана шу миқдордаги сувдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати тадқиқотнинг қуйидаги бобида кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув ресурсларидан фойдаланиш» деб номланган 3-бобида Зарафшон воҳасида дарё сувидан суғоришда фойдаланишга оид узоқ тарихнинг қисқача тавсифи, ҳудудда қадимда ва ҳозирги кунда мавжуд бўлган ирригация тармоқларининг фаолияти ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари, шунингдек, Зарафшон дарёси сувининг вилоятлар кесимида тақсимоли масалалари ёритилган. Диссертация ишида ушбу масалаларни кўриб чиқишда А.М.Мухаммаджонов, С.М.Мамарасулов, В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, Р.Машрапов, Ю.Н.Иванов, Х.С.Сиддиқов, Ф.Э.Рубинова, В.Е.Чуб, В.А.Духовный ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижалари илмий ва назарий методологик асос сифатида қабул қилинган.

Манбаларда келтирилишича, арабларнинг Самарқанд истилосидан, яъни 712 йилдан анча олдин Зарафшонда қадимги Варақсар (ҳозирги Равотхўжа) қишлоғи яқинида қурилган тўғондан Дарғом, Аббос (Янгиарик) ва Қораунас (Қозонарик) ариқларига сув чиқарилган. Бу ариқлардан Самарқанднинг шимоли ва жанубидаги ерлар суғорилган. Самарқанд шаҳридан шарқдаги ерларга сув келтирувчи Мирзаарик, Туятортар каналлари V-VI асрларда қазилган. Қадимги ариқлардан бўлган Нарпай (Наҳрпой) Суғдиёнанинг энг йирик ирригация иншооти ҳисобланган.

Ушбу каналлар Зарафшон дарёси сувини ҳозирги кунда ҳам Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларига етказиб бермоқда. Ўтган XX асрнинг ўрталарида Зарафшондан сув оладиган Ўнг қирғоқ, Янги Дарғом, Миёнқўл-Хатирчи, Марказий Миёнқўл каби янги каналлар чиқарилган, эскилари таъмирланган.

Зарафшон дарёси сув ресурсларини вилоятлар кесимида тақсимлашда, уларнинг Равотхўжа тўғонига етиб келган миқдорини аниқ баҳолаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маъсулиятли вазифа Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)нинг Самарқанд вилояти Гидрометеорология бошқармасига юклатилган. Оқимнинг мазкур аниқланган миқдори асосида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, суғориладиган ерлар майдони ва бошқа сув истеъмолчилари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, вилоятлар лимитини белгилаб беради (1-расм).



1-расм. Зарафшон дарёси сувининг вилоятлар бўйича тақсимланиши

Диссертацияда Зарафшон дарёси йиллик оқими миқдорининг вилоятлар бўйича тақсимоти масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ва ишда уларнинг ҳажмларда ифодаланган миқдорий ҳамда нисбий қийматлари келтирилган: Самарқанд вилояти -70,2%, Жиззах вилояти -7,4%, Қашқадарё вилояти -9,3%, Навоий вилояти -13,1%. Алоҳида қайд этиш лозимки, Навоий шаҳри саноати ва ГРЭС учун доимий бериладиган  $32,5 \text{ м}^3/\text{с}$  (йиллик  $1,016 \cdot 10^9 \text{ м}^3$ ) миқдордаги сув сарфи ушбу сув тақсимоти ҳисобига кирмайди. Диссертацияда ушбу сув тақсимотини ҳозирги кунда амалга оширишда ҳар бир вилоятнинг Зарафшон сувидан суғориладиган ерлари майдонини, уларга сув қўйиш ва суғориш меъёрларини ҳамда бошқа истеъмолчилар эҳтиёжларини ҳисобга олиш лозимлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «Дарёлар гидрологик режимининг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши» деб номланган тўртинчи бобида, дастлаб, дарёлар оқимининг антропоген омиллар таъсирида миқдорий ўзгаришларини баҳолаш масалалари кўриб чиқилган ва муаммонинг ҳозирги ҳолати ёритилган. Сўнг антропоген омиллар таъсиридаги дарёлар сув режимини тадқиқ этиш усуллари узоқ чет эллик олимлардан G.F.White, J.Nemes, J.C.Rodda, J.A.Rodier, J.Martines, собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимларидан В.Г.Глушков, С.Л.Вендров, Г.П.Калинин, Б.Т.Кирста, П.С.Кузин, В.В.Куприянов, А.А.Соколов, С.И.Харченко, И.А.Шикломанов, Г.В.Воропаев, Н.Л.Фролова, А.Г.Булавко, Н.И.Коронкевич, В.В.Куприянов, М.И.Львович, С.И.Харченко, Ўзбекистонлик олимлардан В.Л.Шульц, А.З.Зоҳидов, В.А.Духовный, Ф.Е.Рубинова ва бошқаларнинг тадқиқотларида келтирилган маълумотлар асосида атрофлича ўрганилган. Ушбу бобнинг якунида дарёлар оқимининг йиллараро тебраниши ва ўзгарувчанлигидаги ўзгаришлар масалалари тадқиқ этилган.

Диссертацияда И.А.Шикломанов, Н.Л.Фролова ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижаларига таянган ҳолда, дарёлар гидрологик режими, хусусан, сув ресурсларининг миқдорий ҳамда сифатий ўзгаришларига инсон хўжалик фаолиятининг барча кўринишлардаги таъсири характерини ҳисобга олган ҳолда, улар тегишли турларга ажратилган.


Тадқиқот натижаларининг таҳлиллари асосида, диссертацияда Зарафшон ҳавзаси дарёларининг гидрологик режимига таъсир этадиган антропоген омилларнинг асосий турларига дарёлар ўзанларидан суғориш каналларига сув олиш, дарё оқимини сув омборлари ёрдамида бошқариш, саноат корхоналари ва аҳолининг коммунал-маиший ва ичимлик сувига бўлган барча турдаги эҳтиёжларини қоплаш ва бошқалар кириши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот жараёнида, Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув режимига антропоген омиллар таъсирини баҳолашда, дастлаб И.А.Шикломанов томонидан ишлаб чиқилган, кейинчалик Н.Л.Фролова томонидан такомиллаштирилган усуллар қўлланилган. Уларга чизикли тренд, гидрологик ўхшашлик, сув баланси, математик моделлаштириш, физик моделлаштириш ва фаол эксперимент усуллари ҳамда дарё оқими билан антропоген омиллар орасидаги боғланишларни ўрганишга асосланган статистик усуллар киради.

Дарёлар сув режимига антропоген омиллар таъсирини ўрганишда дарёлар оқимининг йиллараро тебранишлари ҳамда ўзгарувчанлигидаги ўзгаришларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Диссертацияда ушбу масала Зарафшон дарёси узунлиги бўйича жойлашган Дупули, Зиёвиддин, Навоий ва Хазора гидрологик постлари маълумотлари асосида кўриб чиқилган (2-расм).

Ҳисоблашлар натижалари таҳлилларининг кўрсатишича, Зарафшон дарёсининг Дупули постида 1973 йилда кўп сувли бўлиб, шу йили ўртача йиллик сув сарфлари  $201,0 \text{ м}^3/\text{с}$  га тенг бўлган. Мағиёндарё (Сужина) билан

қўшиб ҳисоблаганда 1973 йилда Равотхўжа сув тақсимлаш иншоотига Зарафшондан оқиб келган ўртача йиллик сув сарфи  $209,6 \text{ м}^3/\text{с}$  ни ёки йиллик оқим ҳажми  $6,611 \cdot 10^9 \text{ м}^3$  ни ташкил этган. Шу йили мазкур оқим ҳажмининг атиги 43,7 %и Зиёвиддингача, 37,7 % и эса Навоийгача етиб келган. Таъкидлаш лозимки, Зарафшон дарёси ўзанига коллектор-зовур ва сизот сувларнинг қўшилиши ҳисобига, энг қуйида жойлашган Хазора гидрологик постида шу йили ўлчанган оқим ҳажми Навоийга нисбатан кўпроқ бўлиб, 38,8 % ни ташкил этган.



2-расм. Зарафшон дарёси узунлиги бўйича жойлашган гидрологик постларда кузатилган ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро тебраниши

Кам сувли (1982) йилларда қуйи постларга етиб келган сув миқдорларининг абсолют нисбий қийматлари янада кам бўлган. Умуман олганда, диссертацияда Зарафшон дарёси Республикамиз ҳудудига кириб келиши билан, яъни Равотхўжа сув тақсимлаш иншоотидан бошлаб, унинг сув режимида бўлган антропоген таъсир энг қуйида жойлашган Хазора постигача йилдан-йилга тобора кучайиб борганлиги кўрсатиб берилган.


Диссертациянинг «**Зарафшон дарёси гидрологик режимининг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида, дастлаб, Зарафшон ҳавзаси дарёлари йиллик ва ойлик оқим миқдорларининг ўзгарувчанлиги, уларнинг дарёлар ҳавзаларининг ўртача баландлигига боғлиқлиги ҳамда ушбу статистик параметр қийматларининг турли ҳисоб даврларидаги ўзгаришлари масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, мазкур бобда Зарафшон дарёси йиллик ҳамда вегетация ва новегетация даврларидаги оқимлари миқдорларининг унинг узунлиги ва вақт бўйича ўзгаришлари баҳоланган. Бобнинг якунида эса Зарафшон дарёси оқими гидрологик режими элементларининг тадқиқот жараёнида аниқланган ўзгаришларини дарё сув ресурсларидан фойдаланишни янада самарали ташкил этишда ҳисобга олиш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертацияда Зарафшон ҳавзаси дарёлари йиллик оқими миқдорларининг ўзгарувчанлик, яъни вариация коэффицентлари ҳисобланган, уларнинг дарёлар ҳавзалари ўртача баландликларига боғлиқлиги ўрганилган. Бу борадаги ҳисоблашлар натижалари таҳлил




қилиниб, улар олдинги тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар билан таққосланган (3-расм).

Тадқиқотда Зарафшон дарёси ўртача ойлик сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффицентлари ҳам аниқланган. Ҳисоблашлар натижаларининг йил давомида ойлар бўйича ўзгаришларининг таҳлили асосида, энг катта қийматдаги ўзгарувчанликларнинг апрель ( $C_v = 0,26$ ), май ( $C_v = 0,31$ ) ва июнь ( $C_v = 0,24$ ) ойларига тегишли эканлиги кўрсатиб берилган.



3-расм. Зарафшон ҳавзаси дарёлари оқими ўзгарувчанлик коэффицентининг уларнинг ўртача баландлигига боғлиқлиги

